

АЛЛОҲГА КАЙТИШ

10:43 / 28.04.2017 7113

Қуйидаги ҳикояни биродаримиз Муҳаммад Бобур Шайх Оиз ал-Қарнийнинг "Аллоҳга қайтган йигитлар" китобидан таржима қилганлар. Бугунги кунимизга тўлалигича жавоб берадиган воқеълик ҳар қандай ақл эгасини жиддий ўйга толдиради. Ҳидоят Аллоҳдан.

... Бир йигит бўлар эди. У Роббисини унутган, шу сабабдан ўзини ҳам унутган эди... Бебошлиги, кайсар ва ёмонлиги билан ном чиқарган, ҳатто кўп одамларга азият берган, зулм қилганлигидан, одамлар Аллоҳдан унинг ёмонлигидан нажот беришини сўраб, уни дуоибад қилган, қаргаган эдилар. Яхши солиҳ инсонлар унга кўп марталаб насиҳат қилишган, лекин у қабул қилмаган, кўп марталаб оғохлантиришган, қулоқ осмаганди. Ҳаёти шахватлар зулумати ичра кечарди. Бир марта жуда кучли даъватчи киши унга ваъз айтган эдилар. Таъсирланиб, ҳатто кўзларига ёш ҳам олганди. Энди у Аллоҳ ва Расулига ижобат этади деб гумон қилинганди, лекин афсуски, эски холатига қайтиб, гўёки ҳеч қачон, ҳеч нарса билмаган, эшитмагандек маъсиятларида давом эта берди. Масжид юзини ҳатто жума кунлари ҳам кўрмасди. қоронғу тушгач ўзининг бир гуруҳ бебош оғайнилари билан кўчага чиқиб кетар, тонг отгандагина қайтиб келарди. Келгач, кун буйи уйқуга гарк бўларди. Ишдан бўшаб кетган, динию- дунёси касодга учраган эди. Муштипар онаси эса ўғилнинг бу холатидан кўп йиғлаб, эзилиб адоий тамом бўлган эди.

Баланд кўтарилган мусиқа билан ухлаб шу билан уйғонарди. Хонаси деворлари уятсиз, беҳаё суратлар ила "безанган" эди. Гиёҳхандлик моддаларини истеъмол қилишга қаттиқ ружу кўйган, мастлик унинг ақли рухини эгаллаган эди. Аллоҳга маъсиятлари ортсада, лекин Аллоҳ неъматларини ундан дариф тутмасди.

Аллоҳга исёнда давомий бўлаётган бўлсада, Меҳрибон зот унга мухлат бериб, умр берарди. қуръондан бошқа ҳамма нарсани тинглар, диндан ўзга ҳамма нарсани тушунар, Аллоҳ зикридан айри ҳамма нарсани севарди. Субҳаналлоҳ! Аллоҳни танимас экан, қандай ҳам хароба у қалблар... Субҳаналлоҳ! Аллоҳдан юз ўгирган экан, қандай ҳам ўтмас туйгулар... Шу тарзда йигитнинг кунлари маъсиятлар қоронғулиги билан копланган, гуноҳлар губори билан ўралган тарзда ўтиб борарди. Солиҳ инсонлардан

бири бу осийни маъсиятлар чукуруидан чикариш йўлини излай бошлади. Илм ахли ва доно одамларнинг кўрсатмалари бўйича бу йўллардан бири-фойдали панду-насихатлар, илмий мавъизалар ёзилган кассеталарни ҳадя қилиш, одамларнинг уйларига, машиналарига олиб киришдир, токи насихатгўйнинг сўзларини таъсири уларнинг қалбларига ётсин. Йигитга бир нечта таъсирли мавъизалар ёзилган кассеталар ҳадя қилди. У олди-да машинасининг кутисига бепарвогина ташлаб кўйди. Уларни тинглашни ўйлаб ҳам кўймади. Кунларнинг бирида йигит ўз машинасида Даммам шаҳрига сафарга чиқди. Йўл олис, зерикмаслик учун мусиқа эшитиб кетарди.

Кассеталарни унисини кўйиб, бунисини кўйиб зерикди-да, вақт ўтказиш учун халиги мавъизалардан бирини кўйди. Кассета аста секин тингловчига, ихлос эфирлари оркали, сидк тўлқинларида таралар экан, қалбдаги иймон тебранмаларини кўзгата бошлади.

Йигит кассетани диққат билан тинглай бошлади. Мавзу Аллоҳдан кўрқиш ва тақводорлар хақида эди. Сўзлар унинг қалбига сизиб кириб, у ерда мустаҳкам қарор топа бошлади. Кассета тўхтади. Йигит хали бир кун келиб Аллоҳга ҳисоб бериш, унга йўликиш хақида ўйлай бошлади ва иккинчи кассетани кўйди. Бу кассета эса тавба ва тавба килувчилар хақида эди. У кўнгилни бузувчи ва хафа килувчи ўтмиши хақида ўйлар экан, кўзидан ёшлар томганча кассеталарни бирин-кетин алиштирарди. Бу манзара, ҳолат тили билан гуё: "Эй имон келтирганлар! Сизларни тирилтирувчи нарсага чорлаганларида, Аллоҳ ва Расулга жавоб қилингизлар!"(Анфол: 24) деяётгандек эди. Даммамга яқинлашиб қолди, лекин у суҳбатлар огушига тушиб колганидан, қаттиқ таъсирланганидан, хатто, машинасини ҳам бошқара олмай қолди, чунки унинг қалбига иймон оқими куйилиб кириб, уни силкита, титрата бошлаганди. "Сизлар тоғларни кўриб(мангу) котиб турувчи деб ўйларсиз. Холбуки, улар ҳам худди булутлар сузиб юргандек хавода сузиб юрарлар. Бу барча нарсани пухта қилган зот-Аллоҳнинг синоатидир...!" (Намл: 88)

Шаҳарга етиб келди. Йигит шаҳарга киришдан олдин Иймон шаҳрига қадам кўйди. Ҳаётга караши ўзгарди. Ҳаётга авваллари жохил, осий инсонни назари билан боккан бўлса, энди у Аллоҳга тавба қилган банда сифатида қарарди. Масжидга қадам босди..... У ерда кўз ёшлари ва сув ила таҳорат ола бошлади. Масжидга кириб, Ҳаётини намоз билан бошлади ва янги умр саҳифасини очди. "Яна айтинг: "Ҳақиқат (Яъни Ислому) келди ва ботил (куфр) йуқолди. Чунки ботил йуқолгувчи нарсадир." (Исро: 81)

Йигит уйига саломат келди ва ўзи билан ғанимат-ўлжалар олиб қайтди. Яъни маъсиятлардан саломат бўлган холида ва тоатлардан ғанимат қилган, жамлаган холида қайтди. Уйига чиқиб кетганидан кўра бошка юз билан кирди. Чунки маъсият, гуноҳлар ва хатолар эгасини юзи билан чиққан бўлса, тавба, инобат ва тоат нури билан яшнаган юз билан қайтиб келди.

Яқинлари таажжубланишди: "Эй фалончи сенга нима бўлди?". Йигит: "Ҳаётимда улкан воқеа содир бўлди. Аллоҳга қайтдим, Аллоҳга тавба қилдим, Аллоҳ сари йўл топдим" дерди-ю кўз ёшлардан ўзини тўхтата олмасди. Унга қўшилиб оила аъзолари йиғлашарди. Бу - хурсандчилик ёшлари деб аталмиш ёшлар эди...

Тўлди, тошди сурур менда Хатто, унинг улканлигидан Кўз ёшладим хурсандлигимдан.

Уй чироқлари ёришиб кетди. Эшитган одамлар келиб, Аллоҳга тавба қилган йигитни Роббисига қайтгани билан табриклай, уни бу насиб бўлган неъмат билан кутлай бошлашди. Гар қуллар кексайиб, қолишса кучдан Хожалар озод қилар, кўрсатиб химмат.

Лекин Сен Холиқим, аълосан ўз караминг-ла Қулликда кечди умрим, озод эт жаханнамнингдан. Қуръондан оят келтирилади шу ерда: "Айнан ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан қилган гўзал амалларини қабул килурмиз ва жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонликларидан ўтиб юборурмиз. (Бу) уларга ваъда қилиб юрилган ҳаққоний ваъдадир. (Ахкоф 16). Термизий ҳамда Аҳмад ибн Ҳанбал томонидан ривоят қилинган ҳадисда Анас (розийаллоҳу анҳу) пайғамбаримиздан шундай дейди: "Эй Одам боласи, сен Менга дуо қилгунингча ва то мендан ёрдам сўраб илтижо этгунингча Мен сенинг қилган гуноҳларингни кечириб келаман. Ва уларга парво қилмайман. Эй Одам боласи, агар сени гуноҳларинг кўплигидан осмондаги булутларга етса ҳам, тавба қилиб Мендан мағфират сўрасанг, Мен сени кечираман. Эй Одам боласи, агар сен Мени олдимга бутун ер юзини тўлдирган гуноҳларинг билан келсанг-у, лекин Менга ширк келтирмаган холингда рўбаро бўлсанг, Мен сени ер юзини тўлдирган мағфиратим билан қарши оламан".